

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ҳозирги вақтда асосан гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атиги ўн фоизи тўғри келмоқда. Ниҳоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамадан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти.

Шу муносабат билан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги **Қонунида** қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги имтиёз ва преференциялар, шу жумладан қуйидагилар:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солиғини ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан;

ишлаб турган энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3379-сон **қарори** билан ўрнатилган тартибга мувофиқ, 2018 йил 1 январдан бошлаб:

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан

фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситкич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади.

2. Энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича вазирлик ва идораларнинг, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа корхоналари ва ташкилотларининг иши қониқарсиз деб топилсин.

3. Маъмурий биноларда, аҳоли пунктларида ва ишлаб чиқариш объектларида энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури (кейинги ўринларда — Комплекс дастур) маъқуллансин:

а) қуйидагиларни:

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрларини **1-иловага** мувофиқ тасдиқлаш, уларнинг улушини 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни **2-иловага** мувофиқ тасдиқлаш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

б) минтақаларда ижтимоий соҳа объектларини (таълим муассасалари, шу жумладан мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш объектларини) энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек:

(4-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги ПҚ-4857-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон)

иссиқ сув ва электр энергияси билан таъминлаш учун замонавий қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситкичларини (марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларига уланган объектлар бундан мустасно), шунингдек, энергия самарадор, шу жумладан бивалент иситиш тизимларини босқичма-босқич ўрнатиш, хусусан замонавий иссиқлик насослари ва рекуператорларини жорий этиш;

биноларнинг иссиқлик ҳимоя тизимини яхшилаш, икки камерали ва энергия самарадор дераза блокларини, светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, шунингдек, ҳаво рекуператорлари ва бошқа тизимларни ўрнатиш ҳисобига Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятларнинг шаҳарларида энергия истеъмолини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) хусусий хонадонларда қуёш фотоэлектрик станциялари (ўртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичларини (ўртача 200 литр) ўрнатиш;

г) маиший истеъмолчиларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ностандарт газ-горелкали қурилмаларини замонавий ва энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларга алмаштириш;

д) Қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситиш қурилмалари билан жиҳозлаш тавсия этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий бинолари ва инфратузилма объектлари рўйхатини [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлаш.

5. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига тегишли маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмаги маблағлари (грантлари) Комплекс дастурнинг чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комплекс дастурни амалга оширишга кредит ресурсларини ва техник кўмак маблағлари (грантларни) жалб этиш мақсадида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва хорижий донорлар билан музокаралар олиб борсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан қуйидаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида молиялаштирилади:

а) жисмоний шахсларга қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ:

қуёш фотоэлектрик станциялари учун — 3 миллион сўмдан;

қуёш сув иситкичлар учун — 1,5 миллион сўмдан;

газ-горелкали қурилмалар учун — 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этиш;

б) жисмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга қуйидаги компенсацияларни тақдим этиш:

жисмоний шахсларга — 500 миллион сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 8 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

юридик шахсларга — 5 миллиард сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

в) энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар ва ускуналарга, шунингдек, уларни синаш методларига нисбатан талабларни ўрнатадиган халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Энергетика вазирлиги икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш механизмини белгиласин.

7. Белгилансинки, ҳар йили:

15 сентябрга қадар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар келгуси йилда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор ва энергия тежовчи бошқа ускуналар билан жиҳозланиши, шунингдек, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш лозим бўлган объектлар рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат)га киритиш учун Энергетика вазирлигига таклифлар киритади;

1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа, шунингдек, туман ва шаҳарлар кесимида молиялаштиришнинг аниқ ҳажмлари ва манбаларини кўрсатган ҳолда Рўйхатни шакллантиради;

15 октябрга қадар Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси Рўйхатни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Рўйхатда назарда тутилган молиявий маблағларнинг ҳажми Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йили тасдиқланадиган Давлат бюджети параметрларига киритилади.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) яқка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари барча бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда:

қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш;

лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қурилиш нормалари ва қоидаларининг талабларини инобатга олган ҳолда бинолар ва иншоотлар энергия самарадорлиги кўрсаткичлари бўлимини тақдим этиш мажбурий тартибда назарда тутилади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ўз балансидаги бинолар ва иншоотларда ёритиш тизимлари учун светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни ўрнатишга мажбурдир;

в) маҳсулот (ускуналар, товарлар) ва технологияларнинг энергия самарадорлиги даражаси ёки техник кўрсаткичларини белгилаш уларни Ўзбекистон Республикасининг аккредитация қилинган органлари томонидан сертификатлаштиришда мажбурий ҳисобланади.

Қурилиш вазирлиги Энергетика вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар:

янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқсин;

бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги даражасини (А, Б, В ва бошқа даражалар) белгилаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 4-иловадаги рўйхат бўйича мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотларида энергетика менежменти тизимини халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ 2019 йил 1 декабрдан 2023 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, мазкур тизимда қуйидагилар назарда тутилади:

энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва холислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш;

ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналар активларининг капиталлашув даражасини ошириш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда энергия самарадор, энергия тежовчи технология ва ускуналарга нисбатан талабларни ўрнатовчи стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда 2019-2020 йиллар давомида энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар, ускуналар ва уларни синаш методларига нисбатан талаблар ўрнатувчи зарур халқаро стандартларни қабул қилиш тармоқ графигини тасдиқласин;

икки ой муддатда 2020 йил 1 августга қадар энергия сарфловчи ускуналарни энергия самарадор ва энергияни тежаш кўрсаткичларига мувофиқлигини синовдан ўтказувчи замонавий лабораториялар ташкил қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб илгари фойдаланилган генератор ускуналари, кучланишни пасайтирувчи трансформаторлар, электр двигателлар, шунингдек, энергия самарадорлиги D тоифадаги энергия сарфловчи ускуналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқлансин.

Белгилансинки, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари учун электр техника ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

12. Қуйидагилар:

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) янгиланган таркиби **5-иловага** мувофиқ;

энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

2019 йил 15 октябрга қадар энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини тасдиқласин;

2019 йил 20 октябрга қадар келгусида энергия самарадорлигини баҳолаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш мақсадида энергия сарфи ҳажми катта бўлган корхоналар кесимида иқтисодиёт тармоқлари рўйхатини шакллантирсин;

2019 йил 20 декабрга қадар 2020 — 2022 йилларда камида 2,4 миллиард кВт/соат электр энергияси, 2,4 миллиард метр куб табиий газ ва 20 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи иқтисодиёт тармоқлари бўйича энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш мақсадли кўрсаткичларини тасдиқласин;

зарур ҳолларда Комплекс дастур параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этсин ва мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Республика комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Белгилансинки,:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини оширишни таъминлаш, мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча тоифадаги истеъмолчиларда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, уларни амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботларни юритиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида иштирок этади;

Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича халқаро агентликда (IRENA) Ўзбекистон Республикасининг миллий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади;

б) қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилиши шарт.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, энергия тежовчи илғор технологиялар фаол жорий этилишини рағбатлантириш;

энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида, иқтисодиёт тармоқлари ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, энергия ресурсларини сарфлаш самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;

халқаро тажрибани ҳисобга олиб ва зарур бўлганда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда энергетика аудити соҳасидаги мутахассислар ва энергетика хизматларини етказиб берувчилар малакасини ошириш учун тренингларни ташкиллаштириш;

энергия аудиторлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчилари мажбурий энергетик текширувдан ўтказилиши ва тегишли тавсиялар бажарилишининг мониторингини, шунингдек, энергия сервис компаниялари фаолияти мониторингини амалга ошириш;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларга нисбатан ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарасиз фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чораларини қўллаш.

15. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлик ва энергия тежамкорлик бўйича департамент ташкил қилинсин.

Ташкил этилаётган бўлинмани тўлдириш мақсадида Энергетика вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 10 нафар бошқарув ходимларидан иборат қўшимча штат бирликлари қуйидагилар ҳисобидан ажратилсин:

2 та бирлик — Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзнефтьгазинспекция) ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига;

3 та бирлик — Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзэнергоинспекция) ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига;

5 нафари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига.

16. Энергетика вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзэнергоинспекция ва Ўзнефтьгазинспекциянинг тақдимномаларини бажармаганлик, шунингдек, мажбурий энергетик текширувлар ва экспертизалар ўтказмаганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва тармоқ корхоналари билан биргаликда 2020 йилнинг охирига қадар

реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар, бир текис ишга тушириш қурилмалари ҳамда энергия тежовчи бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бир ҳафта муддатда куёш сув иситкичлари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ҳамда энергия тежовчи бошқа турдаги ускуналарнинг афзалликларини, шу жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, ускуналарнинг қиймати ва истеъмолчиларнинг маблағлари тежалиши тўғрисидаги маълумотларни аҳоли ўртасида кенг ёритиш бўйича медиа-режани тасдиқласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Энергетика вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Ғуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 август,
ПҚ-4422-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш

МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш прогнозлари, МВт					Электр энергияси ишлаб чиқариш улуши, фоиз	
		2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 — 2030 йй.	2018 й.	2030 й.
Жами		1074,1	886,8	1 961,5	2 061,6	14 017,8	100	100
1.	Анъанавий энергетика	1 050	1 807	1 777	2 259,4	10 910,2	90	75
	Шу жумладан, қувватларни фойдаланишдан чиқариш	-	1 060	320	740	4 280	-	-
2.	Қайта тикланувчи энергия манбалари	24,1	119,8	504,5	542,2	7 387,6	10	25
	шундан:							
2.1.	Гидроэнергетика	24,1	119,8	204,5	42,2	1 487,6	10	11,2
2.2.	Қуёш энергетикаси	-	-	300	400	4 300	-	8,8
2.3.	Шамол энергетикаси	-	-	-	100	1 600	-	5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
2-ИЛОВА

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
I. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар				
1.	Иқтисодиёт тармоқларида энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва нормалашни таъминлаштиришга йўналтирилган ягона ёндашувни яратиш мақсадида норматив базани такомиллаштириш.	1. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш. 2. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари ижросини таҳлил этиш. 3. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш соҳасида халқаро таҷрибани ўрганиш. 4. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган тармоқ норматив ва методик ҳужжатлар, шунингдек, таклифларни ишлаб чиқиш.	2020 йил июнь 2020 йил сентябрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмуродов), тегишли вазирлик ва идоралар
2.	Ёқилғи-энергетика тармоғининг келгуси йилга мўлжалланган комплекс балансini шакллантириш.	1. Иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика ресурсларига (электр энергияси, табиий газ, нефть маҳсулотлари, кўмирға) бўлган умумий талаб-ёhtiёжини ўрганиш. 2. Амалда таъминланганлик даражасини аниқлаш учун ишлаб чиқариш қувватларини таҳлил қилиш. 3. Ёқилғи-энергетика тармоғи комплекс	2019 — 2022 йиллар октябрь 2019 — 2022 йиллар декабрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмуродов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		балансининг лойиҳасини шакллантириш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
3.	Мажбурий энергетика текширувини ўтказиш тартибини такомиллаштириш.	1. Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини хатловдан ўтказиш ва объектларнинг энергия сарфи кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини яратиш. 2. Энергетик текширувларни, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш. 3. Энергия самарадорлиги бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган корхоналарни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4. Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларининг энергетик текширувлари графигини белгиланган тартибда тасдиқлаш. 5. Энергетик текширишларни ўтказишни ташкиллаштириш ва тавсиялар ижросини мониторинг қилиш.	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь График асосида	Ўзнефтгазинспекция (Н. Аззамов), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев) Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), тегишли вазирлик ва идоралар
4.	Энергосервис контрактини қўллашни амалиётга жорий этиш.	1. Энергосервис контрактлари асосида энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Энергосервис компаниялари фаолиятини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан бюджет ташкилотларига	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		энергосервис контрактларини тузиш ҳукуқини бериш. 3. Энергосервис компанияларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш.		Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Адлия вазирлиги (Х. Мелиев)
5.	Электр энергияси, табиий газ ва иссиқ сувга табақалаштирилган тарифлар (блоки тариф) тизимини жорий этиш.	1. Тажриба-синов лойиҳаларининг натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида барча тоифалардаги истеъмолчилар учун табақалаштирилган тарификация тизимини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. 2. Якуний истеъмолчилар учун электр энергияси, табиий газ, иссиқ сувни нормативдан ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган ставка бўйича табақалаштирилган тарифни жорий этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	2020 йил март 2020 йил апрель	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Ишлаб чиқариш корхоналарида ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини камайтириш.	1. Зарурат туғилганда энергосервис (энергоаудиторлик) компаниялари ва хорижий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда корхоналарнинг ишлаб чиқариш-технологик жараёнлари энергия самарадорлигини баҳолаш. 2. Энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги борасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги борасида ташкилий-техник тадбирларни келишиш ва	2019 йил октябрь ойидан бошлаб 2019 йил декабрь Ҳар йили	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) тегишли вазирлик ва идоралар

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		Энергетика вазирлигига тақдим этиш. 4. Ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш.		
7.	Халқаро стандарт (ISO 50001) талабларига мувофиқ энергетик менежмент тизимини жорий этиш.	1. Вазирлик ва идоралар томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан келишган ҳолда халқаро стандарт (ISO 50001) талабларига мувофиқ энергетик менежмент тизимини жорий этишнинг тармоқ графикларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Энергетик менежмент тизимини жорий этиш, ходимларни ўқитиш ва сертификатлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш. 3. Халқаро стандарт талабларига мувофиқ вазирлик ва идоралар томонидан энергетик менежмент тизими жорий этилишини «Ўзстандарт» агентлиги томонидан мониторинг қилиб бориш. 4. Вазирлик ва идоралар томонидан халқаро стандарт талабларига мувофиқ энергетик менежмент тизимининг жорий этилиши тўғрисидаги ҳисоботни «Ўзстандарт» агентлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2019 йил сентябрь 2019 йил декабрь Доимий равишда Ҳар чорақда	Ушбу қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар
8.	Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида Халқаро электр техника комиссияси (IEC) ва Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) стандартларини ўрганиш.	2019 йил сентябрь 2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь	«Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
		2. Мослаштириш учун зарур стандартлар рўйхатини белгилаш ва ишлаб чиқиш графигини тасдиқлаш. 3. Стандартларни ишлаб чиқиш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 4. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқиш.	Тасдиқланган график асосида	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) тегишли вазирлик ва идоралар
9.	Кўча ва магистралларни ёритишнинг амалдаги тизимларига ёритиш даражасини бошқаришнинг интеллектуал тизимларини татбиқ этиш.	1. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан энергия тежовчи технологияларни жорий этиш мақсадида кўча ва магистралларни ёритишнинг амалдаги тизимларини хатловдан ўтказиш. 2. Светодиодли лампаларни ўз ичига олган билан уйғунлаштирилган интеллектуал диммирлаш тизимларини жорий этиш учун кўча ва магистралларни ёритишнинг потенциал объектларини аниқлаш. 3. Кўча ва магистралларни ёритишни диммирлаш технологиясига асосланган фотоэлектрик тизимларга босқичма-босқич ўтказиш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4. Диммирлаш тизимларини ўрнатиш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 5. Диммирлаш тизимларини ўрнатиш графигини тасдиқлаш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Энергетика вазирлиги (Ш. Ходжаев), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафаев)
II. Углеводород ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, ташиш ва тақсимлашдаги йўқотишларни қисқартириш				

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
10.	Нефть ва газ конларида, магистрал газ қувурларида, нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида углеводородларни қазиб чиқариш, ташиш ва қайта ишлашдаги йўқотишларни қисқартириш.	Қуйидагиларда: конларда ва қазиб чиқариш объектларида; магистрал газ қувурлари ва компрессор станцияларида; газ ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида; газ тақсимлаш тармоқларида ўз эҳтиёжлари учун табиий газ ва нефть истеъмолини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш. 2. 2020 йилдан бошлаб «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ энергия ресурслари (табиий газ, нефть ва электр энергияси) йўқотишларини ҳар йили қисқартириб бориш графигини шакллантириш ва тасдиқлаш.	2019 йил ноябрь Ҳар йили декабрь ойида	Энергетика вазирлиги (У. Ибраилов), Ўзнефтгазинспекция (Н. Агзамов), «Ўзбекнефтгаз» АЖ (Б. Сидиков), «Ўзтрансгаз» АЖ (У. Сайидов), «Худудгазтаъминот» АЖ (Б. Эшмуратов)
11.	Нефть ва газ конларида бекор кетадиган иссиқликдан, машъала бўлиб ёнадиган ва йўл-йўлакай қазиб чиқариладиган газдан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш.	1. Нефть ва газ конларида бекор кетадиган иссиқликдан, машъала бўлиб ёнадиган ва йўл-йўлакай қазиб чиқариладиган газдан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича корхоналар салоҳиятини ўрганиш. 2. Нефть ва газ конларида бекор кетадиган иссиқликдан, машъала бўлиб ёнадиган ва йўл-йўлакай қазиб чиқариладиган газдан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш.	2020 йил февраль 2020 йил май	Энергетика вазирлиги (У. Ибраилов), «Ўзбекнефтгаз» АЖ (Б. Сидиков), Ўзнефтгазинспекция (Н. Агзамов)
12.	Электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш, ташиш ва тақсимлашда	1. Электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг мавжуд	2019 йил ноябрь	Энергетика вазирлиги (У. Ибраилов, Ш. Ходжаев),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
	уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.	нуқталарини хатловдан ўтказиш. 2. Ҳисобга олиш тизимларини текширишни ташкиллаштириш ва тегишли мувофиқлик сертификатларини бериш. 3. Норматив талабларга мос келмаган ҳолларда ҳисобга олиш тизимлари алмаштирилишини таъминлаш.	2020 йил апрель Аниқланган тақдирда	«Ўзбекнефтгаз» АЖ (Б. Сидиков), «Ўзтрансгаз» АЖ (У. Сайидов), «Худудгазтаъминот» АЖ (Б. Эшмуратов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров)
13.	Электр энергиясини ишлаб чиқариш, ташиш ва тақсимлашда унинг тармоқ ичидаги сарфини қисқартириш.	1. Қуйидагиларда: генерация қилувчи объектларда ўз эҳтиёжлари учун электр энергияси истеъмолини камайтириш; магистрал электр тармоқларида ташишдаги йўқотишларни қисқартириш; тақсимловчи электр тармоқларида кучланиш трансформаторлари ва электр узатиш линияларидаги йўқотишларни қисқартириш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; 2. Электр тармоқлари иш режимини оптималлаштириш: компенсациялаштирувчи қурилма ускуналарини ўрнатиш; электр тармоқларини модернизация қилиш ҳисобига йўқотишларни камайтириш чора-тадбирларини тасдиқлаш. 3. 2020 йилдан бошлаб «ИЭС» АЖ, «ЎМЭТ» АЖ ва «ХЭТ» АЖда электр энергияси йўқотишларини ҳар йили қисқартириб бориш графигини ишлаб чиқиш.	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь Ҳар йили декабрь ойида	Энергетика вазирлиги (Ш. Ходжаев), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев), «ЎМЭТ» АЖ (Д. Исакулов), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафоев), «ИЭС» АЖ (Р. Мубаракишин), тегишли вазирлик ва идоралар
III. Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш				

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
14.	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг солиштирма улушини кўпайтириш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришни босқичма-босқич диверсификация қилиш.	2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбаларининг солиштирма улушини умумий генерация ҳажмининг 25 фоизгача кўпайтиришни назарда тутувчи 2020 — 2030 йилларда қайта тикланувчи энергия манбалари объектларининг ҳар йили ишга тушириладиган қувватлари рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил октябрь	Энергетика вазирлиги (Ш. <i>Ходжаев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. <i>Абдурахмонов</i>) тегишли вазирлик ва идоралар
15.	Қайта тикланувчи энергия манбалари бозорида қулай рақобат муҳитини яратиш мақсадида тариф сиёсатини такомиллаштириш.	1. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида тариф сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Қайта тикланувчи ва иккиламчи энергия манбалари (куёш, шамол, биогаз станциялари) янгидан ишга тушириладиган объектларидан электр энергияси харид қилишнинг чекланган (максимал даражада йўл қўйиладиган) тарифларининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланиши.	2019 йил ноябрь Ҳар йили 15 декабрга қадар	Молия вазирлиги (Т. <i>Ишметов</i>), Энергетика вазирлиги (Ш. <i>Ходжаев</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. <i>Каримов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. <i>Вафаев</i>)
16.	ДХШ шартларида қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳаларини амалга ошириш доирасида салоҳиятли инвесторларни рақобатчилик асосида саралаб олишнинг замонавий ва шаффоф усулларини жорий этиш.	1. Қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳалари доирасида бошланғич нархни пасайтириб бориладиган аукцион савдолари механизмини жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига салоҳиятли хусусий инвесторни, шу жумладан	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Ж. <i>Мирзамахмудов</i>), ДХШни ривожлантириш агентлиги (Г. <i>Холжигитов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. <i>Каримов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. <i>Вафаев</i>)

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
		бошланғич нарх пасайтириб бориладиган аукцион савдолари орқали аниқлаш борасида ўзгартиришлар киритиш. 3. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида аукцион савдоларини ўтказиш регламентини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4. Регламентни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритиш. 5. Бошланғич нарх пасайтириб бориладиган аукцион савдоларини ўтказиш учун махсус ҳимояланган савдо тизимини яратиш.		
17.	Куёш фотоэлектрик станциялари ўрнатиладиган потенциал жойларни тақсимланган генерация афзалликларини инобатга олган ҳолда аниқлаш тартибини жорий этиш.	1. Йирик фотоэлектрик станциялар ўрнатиш билан битта қувватнинг мамлакат куёш энергетикасини ривожлантиришга таъсирини қиёсий таҳлил қилиш. 2. Саноат қўламидаги куёш фотоэлектрик станцияларини жойлаштириш қоидалари тўғрисидаги Регламентни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. 3. Регламентни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритиш.	2019 йил октябрь 2019 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Ш. Ходжаев), Адлия вазирлиги (Х. Мелиев), Куёш энергияси халқаро институти (М. Матчанов) тегишли вазирлик ва идоралар
18.	Қишлоқ жойларда ва республиканинг олис ҳудудларида электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун куёш тизимларини жорий этиш бўйича мақсадли	1. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишчи гуруҳини ташкил этиш. 2. Баҳор-куз фаслларида автоном равишда энергия (электр, иссиқлик ва биогаз) билан таъминлаш	2019 йил сентябрь 2019 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев), Ўзнефтвазирлик инспекция (Н. Аззамов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
	дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳудудларни белгилаш. 3. Чуқур техник-иқтисодий таҳлил асосида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳисобига энергия билан таъминлаш бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш тафсилотларини ишлаб чиқиш. 4. Тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил март 2020 йил апрель	«Ўзбекнефтегаз» АЖ (Б. Сидиков) «ЎМЭТ» АЖ (Д. Исакулов), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафоев), «ИЭС» АЖ (Р. Мубаракишин), тегишли вазирлик ва идоралар
19.	Шамол электрстанцияларини куриш учун потенциал майдончаларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.	1. Шамол электрстанциялари курилиши учун потенциал жойларни аниқлаш (Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бекобод, Ғазалкент, Қўқон ва бошқалар). 2. Бешта истиқболли майдонларда шамол кучи ўлчовларини ўтказиш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 3. 110 метрдан кам бўлмаган баландликда шамол кучини ўлчаш учун метеорологик мачталарни харид қилиш ва ўрнатиш.	2019 йил октябрь 2019 йил декабрь 2020 йил март	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), тегишли вилоятлар ҳокимликлари
20.	Намунавий уйларда, ижтимоий ва саноат объектларида, иссиқхоналар ва уй-рўзгор хўжаликларида углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш	1. Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япониянинг хусусий уй-рўзгор хўжаликларида ва саноат объектларида, шу жумладан шаҳар иссиқлик таъминотида иссиқлик насос станцияларини жорий этиш бўйича тажрибасини ўрганиш. 2. Иссиқ сув таъминоти ва бивалент иситиш тизими учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан	2019 йил ноябрь 2020 йил февраль 2019 йил октябрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), УЖКХВ (М. Салиев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
	тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насослари кенг жорий этилишини рағбатлантириш чораларини кўриш.	фойдаланиш бўйича аҳоли, коммунал хўжаликлари, иссиқхоналар, ижтимоий объектлар ва саноат корхоналарига мўлжалланган якка тартибдаги бизнес-режаларни ишлаб чиқиш. 3. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан: а) Тошкент шаҳридаги битта кўп қаватли ва хусусий уйда биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш ва энергия самарадор технологиялар ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этиш бўйича; б) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг битта қозонхона станциясида камида 3 МВт қувватли вакуумли қуёш коллекторларини ўрнатиш бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш.		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Ортиқхўжаев), тегишли вазирлик ва идоралар
21.	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари ҳисобига маҳаллий иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш чораларини амалга ошириш.	1. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари ҳисобига маҳаллий иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш учун ана шундай зоналарни аниқлаш. 2. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида қайта тикланувчи энергия манбалари маҳаллий объектларини яратишнинг техник ва молиявий жиҳатларини ўрганиш. 3. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини	2020 йил март 2020 йил июнь 2020 йил июль	Энергетика вазирлиги (Ш. Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Ходжаев), тегишли вазирлик ва идоралар

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари ҳисобидан маҳаллий иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.		
22.	Республиканинг биоэнергетика ресурслари техник салоҳиятини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни ривожлантиришга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	1. Республиканинг биоэнергетика ресурсларининг техник салоҳиятини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш. 2. Биогаз, органик ўғитлар ва электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича аҳолига, чорвачилик, иссиқхона комплекслари ва саноат корхоналарига мўлжалланган яқка тартибдаги бизнес-режаларни ишлаб чиқиш. 3. Шаҳар оқова сув чўкиндиладини утилизация қилиш ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларидан газ олиш учун биогаз тизимларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш. 4. Биогаз қурилмаларини барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 5. Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил декабрь 2020 йил март 2020 йил апрель	Энергетика вазирлиги (Ш. Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Давлат экология кўмитаси (Б. Кучкаров), «Сувсоз» ДУК (Т. Мирхидоят), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Ортиқхўжаев), тегишли вазирлик ва идоралар
23.	Тартибга солувчи қувватларни жорий этиш ва тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш учун энг мақбул технологияларни танлаш бўйича ўрганиш ўтказиш.	1. Электр энергиясини сақлашнинг замонавий тизимларини жорий этиш бўйича замонавий тенденцияларни ўрганиш. 2. Электр энергиясини сақловчи маневр қилинадиган газ турбинали қурилмалар, гидроаккумулятор электр станциялари ва турли хилдаги интеллектуал тизимларнинг	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев), «ЎМЭТ» АЖ (Д. Исакулов), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафоев), «ИЭС» АЖ (Р. Мубаракшин),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		техник-иқтисодий кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш. 3. Саноат кўламида электр энергиясини аккумуляция қиладиган юқори маневрли интеллектуал тизимни яратиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш.		тегишли вазирлик ва идоралар
24.	Энергия таъминотининг интеллектуал тармоқларидан фойдаланган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ҳосил қилиш бўйича маълумотларни йиғиш ва узатиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.	1. Реал вақт режимида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича маълумотларни йиғиш тизимларини яратишга оид илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва тегишли таҳлилий материалларни тайёрлаш. 2. Энергия тизимининг барқарорлигини ва ўзгарувчан генерация бошқарувини марказлаштириш диспетчерлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида интеллектуал тармоқлардан фойдаланган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ҳосил қилиш бўйича маълумотларни йиғиш ва узатиш тизимини жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш.	2020 йил май 2020 йил июнь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев), «ЎМЭТ» АЖ (Д. Исакулов), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафоев), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), тегишли вазирлик ва идоралар
25.	Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни синовдан ўтказиш ҳамда сертификатлаштириш бўйича замонавий лабораториялар ташкил қилиш.	1. Қайта тикланувчи энергия манбалари энергияси ва қурилмаларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш бўйича ускуналарни етказиб берувчи жаҳондаги етакчи компаниялар билан музокаралар ўтказиш. 2. Лабораториялар ташкил қилиш учун	2019 йил декабрь	«Ўзстандарт» агентлиги (Д. Самтаров), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 3. Лабораторияларни ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		вазирлиги (Ш. Вафаев)
26.	Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган энергияни давлат томонидан ҳисобга олиш ва сертификатлаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан ҳосил қилинган энергияни ҳисобга олиш ва сертификатлаштириш бўйича маълумотларни автоматлаштирилган тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ягона маълумотлар базасини ишлаб чиқиш. 2. Мустақил, жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларга Ягона идентификация рақамини тақдим этиш тизимини яратиш. 3. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	2019 йил октябрь 2020 йил март	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров), тегишли вазирлик ва идоралар
27.	Миллий қонунчилик негизида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган энергияни харид қилиш тўғрисидаги битимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Миллий қонунчилик ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида Қайта тикланувчи энергетика объектларидан энергияни харид қилиш тўғрисида намунавий битимни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Энергия харид қилиш тўғрисидаги битимни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритиш.	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Ўздавэнергоназорат (У. Эгамбердиев), «ЎМЭТ» АЖ (Д. Исакулов), «ХЭТ» АЖ (У. Мустафоев),
28.	Фотоэлектрик станциялар, кўчаларни ёритадиган фотоэлектрик тизимлар ҳамда ЭИЗ	1. Қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва Вазирлар	2019 йил декабрь Доимий равишда	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов), «Ўзэлтехсаноат» АК (М. Юнусов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
	ва КСЗларда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари учун қуёш модуллари, инвесторлар, кичик шамол қурилмалари, гелиоколлекторлар, иссиқлик насосла?и, рекуператорлар, метантенклар, трекерлар ишлаб чиқариш учун салоҳиятли инвесторларни жалб этиш.	Маҳкамасига тегишли тақлифлар тайёрлаш. 2. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлантириш истиқболлари ҳамда ЭИЗ ва КСЗларда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар тўғрисида салоҳиятли инвесторлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.		Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), тегишли вазирлик ва идоралар
IV. Кадрлар салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ва тарғибот-ташвиқот фаолиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар				
29.	Энергия ресурсларини нормалаш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасида мутахассислар ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.	Малака ошириш курслари, тренинглар ва амалий семинарларни, жумладан халқаро мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкиллаштириш.	2019 йилдан бошлаб доимий	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), тегишли вазирлик ва идоралар
30.	Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш тарғиботини ташкиллаштириш.	1. Энергия тежамкорлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш масалаларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш бўйича медиа-режани тасдиқлаш ва амалга ошириш. 2. Энергия тежамкорлиги, энергиядан оқилона фойдаланиш ва бошқа масалаларда тажриба алмашиш учун маълумотлар базаларига кириш имконини берувчи энергия самарадорлиги бўйича ахборот порталини яратиш.	2019 йил сентябрь 2019 йил ноябрь Бир йилда 2 марта Доимий равишда 2020 йил январь	МТРК (А. Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), тегишли вазирлик ва идоралар

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		3. Корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида тарқатиш учун энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги масалалари бўйича маълумотномалар, ахборот бюллетенлари, флаерларни вақти-вақти билан чиқариб туриш. 4. Вилоятлар, шаҳарлар, корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича мавзуга оид кўргазмалар, семинарлар, танловлар ўтказиш. 5. Фан ва техникани кенг оммалаштириш, шу жумладан энергия самарадорлигини ва энергия тежамкорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни тарғиб қилиш бўйича миллий канални яратиш.		
31.	Энергия самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш учун илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.	1. Корхоналар томонидан энергия самарадорлиги соҳасидаги инновацияларни ўзлаштиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2. Жорий этиш имконияти юқори даражада бўлган рақобатбардош инновацияларни яратиш мақсадида энергия самарадорлиги соҳасида кичик инновацион ва венчур тадбиркорлигини ташкил этишни рағбатлантириш.	2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов),

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
		3. Республикада технологиялар трансферти ва энергия самарадорлиги соҳасида интеллектуал мулкни бошқариш марказларини ташкил этиш. 4. «Энергия тежамкорлиги соҳасида узлуксиз, кўп босқичли таълим тизимини ривожлантириш» Дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 5. Ўқув муассасаларининг тегишли кафедралари ҳузурида, таълим тизими марказларида ўқув қўлланмалари ва энергия тежамкорлиги усулларига ўргатувчи компьютер дастурлари билан жиҳозланган компьютер синфхоналарини ташкиллаштириш.		Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У. Каримов), тегишли вазирлик ва идоралар
32.	Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги соҳасида стартап-лойиҳаларни саралаш ва илмий-техник лойиҳаларни грант йўли билан молиялаштириш бўйича танловлар эълон қилиш.	1. Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги бўйича илмий-техник лойиҳалар мавзулари рўйхатини шакллантириш. 2. Лойиҳаларни ФТК йиғилишларида кўриб чиқиш ва молиялаштириш учун саралаб олиш.	Доимий равишда	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов) тегишли вазирлик ва идоралар
33.	Энергия самарадорлиги бўйича мунтазам равишда илмий-техник ва инновацион кўргазмалар ҳамда конференциялар ўтказиш.	1. Ҳар йили ўтказиладиган «INNOWEEK» инновациялар ярмаркаси доирасида «Энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги» мавзусига оид стендларни ташкиллаштириш. 2. Энергия тежамкорлиги соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича	Ҳар йили Доимий равишда	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов)

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
		давра суҳбатлари, илмий семинарлар ва конференциялар ташкил этиш.		
34.	Водород энергетикаси соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини қўллаб-қувватлаш.	1. Водород энергетикаси, хусусан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда олинган энергияни узоқ муддат сақлаш қисмида илмий ишланмаларни ўтказиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш графигини тасдиқлаш ва уни молиялаштириш манбаларини белгилаш. 3. Зарур ҳолларда маҳаллий мутахассисларни водород энергетикаси ва бошқа соҳаларда малака ошириш учун хорижий мамлакатларга юбориш. 4. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь 2020 йил март Ҳар йили 15 декабрга қадар	Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров), тегишли вазирлик ва идоралар
35.	Вазирлик ва идораларнинг қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида тажриба ва ахборот айирбошлаш, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан жаҳондаги қайта тикланувчи энергетика бўйича етакчи таҳлилий марказлар билан доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш.	1. Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида долзарб илмий-амалий тадқиқотлар рўйхатини шакллантириш. 2. Илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш графигини тасдиқлаш ва уни молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 3. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида тажриба алмашиш ва маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш бўйича жаҳондаги етакчи таҳлилий марказлар ва бошқалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	2019 йил ноябрь 2020 йил декабрь 2020 йил март	Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров), тегишли вазирлик ва идоралар

	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
		юзасидан таклифлар киритиш.		
36.	Қайта тикланувчи энергия манбалари, яшаш хоналарида, жамоат биноларида, иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш жараёнларида энергия самарадорлиги, шунингдек, энергетик текширишлар ва экспертизалар ўтказиш соҳасидаги мутахассислар, муҳандислар ва қурувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.	1. Олий ўқув юртларида «қайта тикланувчи энергия манбалари», «энергия самарадорлиги» ва «энергоаудит» йўналишлари бўйича янги мутахассисликлар очиш ва уларга қабул квоталарини кўпайтириш. 2. Ўқув дастурларини тасдиқлаш.	2020 йил январь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Усмонов), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), тегишли вазирлик ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
3-ИЛОВА

Қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситиш қурилмалари билан жихозлаш тавсия этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий бинолари ва инфратузилма объектлари

РЎЙХАТИ

1. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига эга бошқа давлат ташкилотларининг маъмурий бинолари
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг маъмурий бинолари
3. Савдо-кўнгилочар комплекслар, маданият ва истироҳат боғлари, ресторанлар
4. Супермаркетлар, магазинлар, бозорлар, савдо омборлари
5. Автомобилларга газ тўплаб қуйиш ва ёқилғи қуйиш станциялари
6. Давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари
7. Аэропортлар, темир йўл ва автобус вокзаллари
8. Меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари
9. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари
10. Алоқа корхоналари

* Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича республика комиссияси ушбу рўйхатга қўшимчалар киритиш ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
4-ИЛОВА

Халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ энергетика менежменти тизими жорий этиладиган корхоналар ва ташкилотлар

РЎЙХАТИ

1. «Ўзбекнефтогаз» АЖ
2. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ
3. «Худудий электр тармоқлари» АЖ
4. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ
5. «Ўзбекқўмир» АЖ
6. «Ўзкимёсаноат» АЖ
7. «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ
8. «Ўзавтосаноат» АЖ
9. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ
10. «Ўзпахтасаноат» АЖ
11. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
12. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
13. «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК
14. «Ўздонмахсулот» АК
15. «Ўзбекозиковқатхолдинг» ХК
16. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси
17. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси
18. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
19. «Ўзчармсаноат» уюшмаси
20. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
22. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
23. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

Изоҳ: Халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ энергетика менежменти тизимини жорий этиш мазкур рўйхатда кўрсатилган корхона ва ташкилотларнинг давлат улушига эга бўлган барча қуйи корхона ва ташкилотларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
5-ИЛОВА

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси

ТАРКИБИ

А.Н.Арипов	— Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, <i>Республика комиссияси раиси</i>
А.С.Султанов	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири, <i>Республика комиссияси раисининг ўринбосари</i>
Ж.А.Қўчқоров	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири
М.Х.Салиев	— Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири
И.Ю.Абдурахмонов	— Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири
Б.А.Ходжаев	— Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири
Б.К.Рўзибаев	— Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
Б.Э.Закиров	— Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари
И.Р.Махкамов	— Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг биринчи ўринбосари
Ш.Х.Ходжаев	— Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг ўринбосари

Б.Т.Қўчқоров	— Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
Н.Ш.Шарипов	— Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси
Б.А.Мусаев	— Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.С.Юлдашев	— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти
Д.Н.Саттаров	— «Ўзстандарт» агентлиги бош директори
Ш.С. Саматов	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибияти мудир, <i>Республика комиссияси котиби</i>

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
6-ИЛОВА

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, <i>ҳудудий комиссия раиси</i>
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, <i>ҳудудий комиссия котиби</i>
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари бошлиқлари
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сув хўжалиги бош бошқармалари бошлиқлари
лавозими бўйича	— Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари
лавозими бўйича	— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари
лавозими бўйича	— ҳудудий газ таъминоти филиаллари раҳбарлари
лавозими бўйича	— ҳудудий электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари

Изоҳ: ҳудудий комиссиялар аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-3012-сон қарорида:

а) 1 ва 3-бандлар ҳамда 1, 3, 4, ва 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4142-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошидаги «80» сони «90» сони билан алмаштирилсин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.08.2019 й., 07/19/4422/3629-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон)